



Халқ сўзи

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 5 февраль, № 26 (7806)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, МАҲАЛЛАБАЙ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»НИ БЕЛГИЛАБ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДИР



Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 4 февраль куни Фарғона вилоятига келди.

Ташриф дастури жуда тифиз ва мазмунан бой. Биринчи манзил — Олтиариқ туманидаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперацияси бўлди.

Олтиариқликлар деҳқончилиги, омилкорлиги билан танилган. Уларга ер берилса, ўзини ҳам, элини ҳам бой қилади. Лекин бошқа маҳсулотларга нисбатан даромади камлигига қарамай, бу туманда ҳам пахта ва ғалла кўп эканлиги эди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, бозор боп экинлар экишга қаратилган сиёсати қўлигул деҳқонлар ва ёшларга катта имконият очди.

Президент келган кооперациянинг 6 гектарлик тоқсори ўрнида илгари пахтадан 20, ғалладан 25 центнер ҳосил олинар эди. Ўтган йили бу ерда боғ яратилиб, “хўсайни”, “келин бармоқ”, “ризамат” навли узум кўчатлари экилган. Қатор ора-ларда помидор, бодринг, қўкатлар, қалампир ва бошқа сабзавотлар етиштирилмоқда. Томчилатиб сўғориш тизими жорий қилинган.

Энг муҳими, бу майдон 51 нафар ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат мухожирларига ажратиб берилган. Улар плёнка остига сабзавотлар

экиб, йилга тўрт мартагача ҳосил олиши мумкинлигини айтишди.

— Ҳар бир ёш ҳақида ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман, — деди Шавкат Мирзиёев улар билан суҳбатда. — Ёшларни тезроқ иш билан таъминлаш учун катта имкониятларимиздан бири ҳозирча шу. Ҳаётда ўрнини топган инсонда ўзига ишонч, интилиш пайдо бўлади. Бугун ёшларга даромад манбаи яратиб, иш ўргатиб, тетапоё қилсак, 2-3 йилдан кейин ҳеч кимга қарам бўлмайди — банкда ҳисоб рақами бўлади, уй олади, яхши яшайди, болаларини яхши тарбиялайди.

Президент ёшларга ўқиб-ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича маслаҳатлар берди.

— Ҳаёт — кураш, рақобат. Бу курашда ким кучли бўлади? Ақлли, билимли, меҳнат қилган. Бугун ёшлар давлатимизнинг эътиборини ҳис этиши, кўп ўқиб, кун сайин билимини ошириб, ривожланишда давом этиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Ерларни ажратиб бериш орқали Фарғона вилоятида 200 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Файзли боғлар сари” узумчилик кооперациясининг умумий ер майдони қарийб 130 гектар. Шундан 40 гектар майдонда тоқсор, 90 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган. 2 минг тонна сифимли музлаткичи оғир, юк машиналари бор. Етиштирилган маҳсулотларнинг катта қисmini экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ерда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан жонли мулоқот қилди.

— Сизлар менга кўмакчи ва елкадошсиз. Мен сизларни ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам халқимизга адолатли етказётган куч деб биламан. Сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман: изланишдан эринманглар. Адолатни халққа етказишдан қўрқманглар. Нимага десангиз, ортинғизда Президент турибди. У замонлар ўтиб кетди. Фақат

адолат, адолат ва ҳақиқат. Қанча кўп ҳақиқатни етказ олсак, шунча кўп манфаат бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Риштон туманида қурилган Халқаро кулолчилик марказини бориб кўрди.

Илгари риштонлик кулоллар ўз уйида, тор устaxonаларда ишларди. Хорижлик туристлар учун шароит йўқ эди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили туманга 15 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар келган. Агар кўшни Қирғизистон орқали Россия ва бошқа мамлакатлардан келиб, Риштондан ўтаётган туристларини ҳам қўшса, бу рақам яна бир неча мингга ортади. Бу туманининг сайёҳлик салоҳияти юқорилигидан далолат.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги Фармонидан кейин хунармандчиликни ривожлантириш ва хунармандлар учун кенг имкониятлар яратила бошланди. Мазкур Фармонга мувофиқ, ўтган йилларда Қўқон ва Марғилон шаҳарларида хунармандчилик марказлари қурилган эди. Риштондагиси кулолчилик йўналишида бўлди.

Агар Марғилон атлас ва адраслари, Қўқон ёғоч уймакорлиги ва нақшошлик мактаблари билан машҳур бўлса, Риштон

қадимий кулолчилик санъати билан дунёга танилган. Бу ерда тайёрланган сопол идишлар ўзига хос дизайни, экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Риштон кулолчилик маҳсулотларининг ярмидан кўпи ташқи бозорда харидордир.

Пандемия даврида аҳолининг уйда ўтириб, хунармандчилик билан шуғулланиши ва даромад топишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатда туманда Халқаро кулолчилик маркази барпо этилди. Бу ерда 20 та икки қаватли кулоллар хонадонини, Риштон тарихи музейи, банк хизматлари маркази қурилган. Уйларнинг биринчи қаватида устaxonа ва савдо дўкони жойлашган, иккинчи қаватда хунармандлар оиласи яшайди.

Хонадонларнинг ҳар бирида 6 ўринли меҳмонхона ҳам мавжуд. Чет эллик сайёҳлар бу ерда яшаб, кулолларнинг иши билан танишиши мумкин.

Марказ фойдаланишга топширилиши билан 250 га яқин иш ўринлари яратилди. Кулолчилик маҳсулотлари Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Туркия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назиров устaxonасида бўлди. Кўргазмага қўйилган кулолчилик буюмларини кўздан кечирди.

— Бу идишларда меҳнат билан, юрак билан бирга тарих ҳам бор. Ҳамма йўналишларда миллий анъаналаримизни тиклаймиз. Сопол буюмлар ҳам миллий қадриятимиз. Уларни яна оммалаштириб, ҳар бир хонадонга киритиш керак. Уларни чет элликлар жуда қадрлайди. Чунки чиройли, сифатли, экологик тоза. Юртимиздаги ҳар бир уйда мана шундай идишлар бўлса, ҳам миллий ифтихор, ҳам маънавият бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент таниқли кулоллар Музаффар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Кулолларга айланма маблағ ва имтиёзлар бериш, бошқа ҳудудларимизда дўконлар очилишига кўмаклашиш, мамлакатимизнинг хориждаги элчи-хоналарида кўргазма-савдо расталари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Халқаро кулолчилик марказида “Хунарманд” уюшмасининг туман бўлими, ўқув маркази ҳам жойлашган.

Қурилиш жараёнида шу ердаги Хўжа Рушониё мақбараси обод қилинган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу мақбарани ҳам зىёрат қилди.

Шу ерда вилоятда маҳаллабай тизими асосда ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Мазкур хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Концепция доирасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин ва у қуйидаги йўналишларда фаолият юритишга масъул этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илгор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш;

барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Фанлар академиясининг:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) тизимида:

Дон ва дуқкалли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Фаллаорол илмий-тажриба станцияси негизида Лапмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини;

Дон ва дуқкалли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали негизида Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини;

Дон ва дуқкалли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси ва Шолитчилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси негизида Дон ва шולי илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш;

б) қуйидагилар:

Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Академик М.Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини;

“Ўзагрокомёхимия” акциядорлик жамиятининг “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтини” масъулияти чекланган жамиятини

Белгиланган тартибда давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этган ҳолда Миллий марказ тизимида ўтказиш тўғрисидаги тақдирларни маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бошқарув аппаратынинг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бугун — 2021 йил 5 февраль куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;

Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий наشرларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш;

Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этиш адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

хар йили Алишер Навоий туғилган сана — 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва

“Навоийхонлик кунлари”ни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Қуйидагилар:

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди Вазирлик кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Ижро этувчи дирекция Фонднинг ижро органи ҳисобланади ва унга ижрочи директор раҳбарлик қилади.

4. Вазирлик кенгашига қуйидаги ваколатлар берилсин: Фонднинг даромад ва харажатлари бўйича прогноз қўрсаткичларини ҳамда маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

ижрочи директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Ижро этувчи дирекция томонидан Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлаш; зарур ҳолларда, штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Фонднинг тузилмасига ўзгартириш киритиш;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларни ҳамда ҳомийларни жалб этиш.

5. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан ҳар йили 1 миллиард сўмгача ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Фанлар академияси ва Адлия вазирлиги икки ой муддатда Фонд уставининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7. Фонд Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, академик Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уйнинг бир қисмида теким фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 4 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

қишлоқ хўжалиги соҳасида **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш**, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илгор тажриба ва замонавий технологиялар асосида уларнинг малакасини ошириш;

қишлоқ хўжалигида хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда билим, малака ва кўникмаларнинг самарали алмашинуви ҳамда узатилишини таъминлайдиган **миллий ахборот ва маслаҳат хизматлари тармоғини ривожлантириш**;

халқро сифат стандартларини жорий қилишда кўмаклашиш, маҳсулот етиштирувчилар ва агробизнеснинг ўзаро ҳамкорлик платформасини ташкил этиш.

3. **Қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ш.М.Ганиев):

қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг **ўзаро ҳамкорлигини таъминласин**;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илгор хорижий тажрибалар асосида ҳамда ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасарида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг **йиллик иш режасини** ҳамда **улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш** индикаторларини тасдиқласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқарish муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги **илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиётини** йўлга қўйсн.

Илмий-тадқиқот институтларига бириктирилаётган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Миллий марказ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Миллий марказ ўз тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита **раҳбарлик қилади**, чорвачилик йўналишини, ўрмон ва сув хўжалиги, ипақчилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан **ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди**, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради;

Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқарish маркази, “Агроинновация” ДУК, “Ўза уруччилиги маркази” негизида ташкил этилади.

5. 2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновациян ишларга буюртмаларни шакллантириш ва мувофиқлаштиришнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш **2021 йил 1 апрелга қадар Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича кейинги беш йилга мўлжалланган дастурни** (кейинги ўринларда — беш йиллик дастур) ишлаб чиқади ва эълон қилади.

Беш йиллик дастур қишлоқ хўжалиги соҳасидаги идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан, агросаноат кластерлари, кооперациялар, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг тақлифлари асосида шакллантирилади;

б) беш йиллик дастурда назарда тутилган йўналишлар қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

в) беш йиллик дастурда назарда тутилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан тақлиф этилган ва бюджетдан молиялаштирилмаган ёки тўлиқ молиялаштирилмаган лойиҳаларни ҳамда бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Миллий марказ ҳузурида **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилади.

Жамғарма маблаглари республика бюджети, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бақарилган қисми, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблаглари, ҳомийлик хайриялари, халқро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ва уларнинг яқуний натижасидан фойдаланиш истатини билдирган қишлоқ хўжалиги субъектлари ва бошқа шахсларнинг маблаглари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблагларини бошқариш Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи — **Миллий марказ** томонидан амалга оширилади.

Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг бюджет маблаглари ҳамда Жамғарма маблаглари ҳисобидан молиялаштирилиши уларни молиялаштириш учун бошқа маблагларни тўғридан-тўғри жалб қилишни истисно қилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

2021-2022 йилларда Миллий марказнинг **Республика агрохизматлар маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда — ҳудудий агрохизматлар марказлари);

2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич қишлоқ туманларида Миллий марказнинг **туман агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда — туман агрохизматлар марказлари) ташкил этилсин.

7. Белгилансинки:

а) Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман агрохизматлар марказлари:

Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида ахратиладиган маблагларни жалб этган ҳолда ёки **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида** ташкил этилади;

ўз фаолиятини ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизими асосида амалга оширади;

б) ҳудудий агрохизматлар марказлари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқарish марказининг ҳудудий бўлимларини негизида ташкил этилади;

в) Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман **агрохизматлар марказлари ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда** ташкил этади:

ҳудўдларнинг узок мuddати ривожланиш тенденциялари ва инсон капитални бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳада кадрларга бўлган эhtiёжни аниқлаш;

хорижий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

ҳудўднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарishi эhtiёжларидан келиб чиқиб илмий ташкилотларга тайёр илмий ишланмалар ва тегишли илмий маслаҳатларга буюртмаларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳаларининг долзарб йўналишлари бўйича тайёрланган илмий ишланмаларни ҳудўдлар шароитига мослаштириш йўналишидаги тадқиқотларни амалга ошириш, унинг натижаларини бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиш;

ҳудўдлар аграр соҳаси асосий ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда халқро тажрибалар ҳамда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ахборот ва маслаҳат тизими асосида иш юритадиган ҳудудий агрохизматлар марказлари (кейинги ўринларда — **ҳудудий агрохизматлар марказлари**) намунавий тузилмаси **3-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этиладиган ҳудудий агрохизматлар марказлари joyлашув манзиллари рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, Миллий марказ, унинг таркибидagi илмий-тадқиқот муассасалари ва агрохизматлар марказларининг тузилмасига ҳодимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартаришлар киритиш, шунингдек, бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ушбу қарорга 4-иловада кўрсатилган таълим муассасаларининг ҳудудий агрохизматлар марказларига ўтказилаётган бино-иншоотлари ҳамда мол-мулклари, уларнинг фаолиятини таъминлашга етарли қисmini белгиланган тартибда оператив бошқарув ҳуқуқи билан, шунингдек, ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) Миллий марказга қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари — Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори раҳбарлик қилади;

б) Миллий марказнинг қўшимча **11 нафар** ҳамда ҳудудий агрохизматлар марказларининг қўшимча **119 нафар** бошқарув ҳодимлари штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади;

в) Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини жорий этиш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади ҳамда юридик шахс макомига, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Ҳазначилигида шахсий газна ҳисобварақларига, Давлат герби тасвирланган муҳрига эга бўлади;

г) Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқарish маркази, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Агроинновация” давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ўза уручилиги маркази” давлат муассасасининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

д) Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-тажриба станциялари юридик шахс макомига эга давлат муассасалари бўлиб:

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дукакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг;

Лалмikor деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дукакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти “Ўзагрокимёхмия” ақиядорлик жамияти ҳузуридаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамиятининг;

Дон ва шoли илмий-ишлаб чиқарish бирлашмаси Дон ва дукакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳамда Шoличилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги барча хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги субъектларига бевосита ва онлайн ҳамда “call-марказ” орқали хизмат кўрсатиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Халқро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4803-сон қарорига асосан қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва илмий-тадқиқот институтларини трансформация қилишга Жаҳон банкининг 160 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблаглари йўналтирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур маблаглар Миллий марказ, унинг тизимидаги муассасалар ҳамда агрохизматлар марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, қайта тайёрлаш ва лойиҳада назарда тутилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

9. 2021 йил 1 мартдан бошлаб, тажриба тариқасида, Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда **кичик илмий-инновацион корхоналар** ташкил этишга рўхсат берилсин, бунда:

а) илмий-тадқиқот муассасаси:

ҳудўдларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг **илмий асосланган ҳолда экилишини** ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уручилик ва селекциясини йўлга қўяди, **янги нав ва дургайларни яратади**;

ўсимликларни зараркунандалардан асраш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича **илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқади**;

б) тадбиркорлик субъектлари:

илмий-тадқиқот муассасасининг янги нав ва дургайларни яратиш бўйича фаолиятини **молиявий таъминлашга кўмаклашади** ҳамда **унинг натижаларини тижоратлаштириш** чораларини кўради;

ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, **экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришини** йўлга қўяди ва уни омичлаштиради;

янги ички ва ташқи **бозорларни топиш**, халқро стандартларга мос келувчи **лабораториялар**, уруғлиқни **саклаш, саралаш, қадоқлаш** ва мева-сабзавотни **қайта ишлаш ускуналари**ни харид қилишга кўмаклашади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш, **миллий бренд асосида экспорт қилиш** чораларини кўради;

в) фойда солиғи бўйича жами даромадни аниқлашда тадбиркорлик субъектлари — солиқ тўловчиларнинг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда бундай тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топишириш даюлатномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегириб-топишадн.

10. Белгилансинки, 2021 йил 1 февралдан бошлаб Миллий марказ, мазкур Фармонга 4-иловада кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот муассасалари) бино ва иншоотларини саклаш, шунингдек, уларнинг ҳодимлари (илмий ҳодимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш **Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан** амалга оширилади, бунда:

Миллий марказнинг бошқарув аппарати ҳодимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ҳамда агрохизматлар марказлари ҳодимларига вазирлиқнинг ҳудудий бўлималари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари мос равишда қўлланлади;

Илмий-тадқиқот муассасалари ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблаглари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини

амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ҳодимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;

Миллий марказ, илмий-тадқиқот муассасаларининг бошқа харажатларини молиялаштириш уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган маблаглар, хорижий ва халқро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларига бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланадиган маблагларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин, бунда ушбу ташкилотлар:

бюджетдан ташқари маблагларни бошқариш учун тижорат банкларида ҳисоб рақами очиш ва ундаги маблаглардан мустақил фойдаланишни мумкин (бюджет ташкилотларининг газна ҳисоб рақамларидан фойдаланишга доир талаблар ушбу маблаглардан фойдаланишга нисбатан таътиб этилмайди);

юкори малакали мутахассислари шартнома асосида жалб этади, ҳодимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилайди;

саклаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ҳодимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, илмий лабораториялар учун маблагларни мустақил сарфлайди.

12. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ганиев:

бир ҳафта мuddатда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларни ижрочилар ва ҳудўдлар кесимида тасдиқласин ҳамда икрга қаратсин;

икки ҳафта мuddатда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгатириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Адлия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижрочиларга етказилишини, унинг мазмун-моҳияти тегishiлиги бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлималари, аҳолига тушунтирилишини ҳамда икрга қартилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармонига 5-иловага мувофиқ ўзгатириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур Фармоннинг икросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ганиев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг икросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, икро учун масъл идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 30 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 3 февраль	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 3 февраль	

тузилмаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой мuddатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий агрохизматлар марказлари тўғрисидаги низоомлари ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин; **икки ой мuddатда** Инновацион ривожланиш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари ва оригинаторларини рағбатлантириш, уруғчилик ва қўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш, уруғлик ва қўчатларни сертификатлаш тизимини жорий этиш механизмини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгатириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; **2022 йил якунига қадар** Нидерланднинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Бангор ва бошқа хорижий етакчи илмий марказлар билан маслаҳатлар ўтказган ҳолда Миллий марказнинг юкори технологиялар асосидаги кўп тармоқли **Илмий-тадқиқот марказини** ташкил этсин. Бунда, Илмий-тадқиқот марказида замонавий юкори технологияли лаборатория, йўналишлар бўйича кўргазма майдончалари, ўсимликлар флораси миллий генбаки, илмий стратегик таҳил маркази ташкил этилади ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича халқро маслаҳатчилар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

12. “Эл-урт умиди” жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ҳодимлари ҳамда соҳа мутахассисларини

ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, МАҲАЛЛАБАЙ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»НИ БЕЛГИЛАБ, КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентга Бағдод тумани мисолида уч бўғинли маҳаллабай ишлаш тизими тақдимот қилинди. Ушбу уч бўғинли тизимда ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат доимий вакил бириктирилади. Улар маҳалла раислари билан бирга хонадонлардаги аҳволни, ишсизлар сони, уларнинг кизиқишлари, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”, мавжуд тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш масалаларини ўрганиб боради.

Ушбу ўрганишлар чоғида ишлаб чиқилган тақлифлар иккинчи босқичда ҳар бир сектор қошида иқтисодий комплекс ходимларидан тузиладиган бошқарув офисларига берилади. Бошқарув офисларида ўша ҳудуддаги тижорат банклари раҳбарлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, солиқ, молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимларининг масъул ходимлари аниқланган муаммо ва тақлифлар асосида ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқади ва уларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўради.

Учинчи босқичда туманларда ҳокимларнинг биринчи ўринбоса-

ри бошчилигида мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилади. Улар ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”ни тасдиқлаб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларга ҳисобот беради, маҳалла раислари билан бирга бошқарув офислари фаолиятини муҳокама қилиб боради.

Шавкат Мирзиёев ушбу уч босқичли тизимни бутун мамлакатимизга жорий этиш бўйича топшириқ берди. Ўз уйида тикувчилик цехи очиб, маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаган уч-кўприклик аёллар, нодавлат ўқув марказлари раҳбарлари билан мулоқот қилди. Улар фаолиятини кенгайтириши учун логистикага қўлай жойда замонавий комплекс қуриб бериш бўйича мутасаддиларга вазифа қўйди.

Фарғона вилоятида 400 дан зиёд қўшма ва хорижий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Истиқболли лойиҳалар асосида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида қишлоқларга саноат кириб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Фарғона туманининг Лоғон қишлоғидаги “Vodiy-Shoes” масъулият чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари қисқа

вақтда ички ва ташқи бозорда ўз хариддорларини топди. Маҳсулотлар пишиқ-пухталиги, бежирим кўриниши билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун махсус пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона фаолияти билан ҳам танишди, тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Қайд этиш лозимки, Президентимизнинг Фарғона вилоятига аввалги ташрифлари чоғида ушбу корхона лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Давлатимиз раҳбари, аввало, тайёрланадиган маҳсулотлар экспортбop ва сифатли бўлиши лозимлигини таъкидлаб, энг замонавий ускуна ва технологиялар олиб келиш, корхонада ишлайдиган ёшларни ўқитиш бўйича топшириқлар берганди.

Қўшма корхона ўтган йили фойдаланишга топширилди. 4,1 гектар майдонга эга қўшма корхонада умумий қийматли 16 миллион доллардан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, Италия, Туркия ва Германиядан замонавий ускуна ва технологиялар олиб келинди.

Лоғон, Каптархон, Вазӣё, Аввал каби қишлоқларда яшовчи ўнлаб ёшлар малакали мутахассислар ёрдамида касбга ўқитилди. Энг муҳими, бугун улар бу ердаги

замонавий технологияларни бемаълol бошқармоқда.

Корхона маҳсулотлари, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Фақат пойабзал таг қисми учун махсус қўшимча Германиядан олиб келинади.

Айни пайтда 2 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Уларнинг асосий қисmini маҳаллий ёшлар ташкил этади. Корхонада биринчи босқичда йилига 1 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилгани учун таннархи ҳам арзон. Шу боис ички бозорда импорт ўрнини босиб, хорижини билан рақобатлашмоқда. Экспорт мўлжали — 12 миллион доллар.

Иккинчи босқичда корхона қувватини 2 миллион жуфтга етказиш режалаштирилган. Шу мақсадда яқин атрофдаги 18 та маҳалла хотин-қизлари касаначилик асосида ишга жалб қилинади. Натижада 5 мингдан ортиқ аёлларнинг бандлиги таъминланади.

Президент шу ердаги тўқимачилик корхонасини ҳам кириб кўрди. “Баҳодир Лоғон” пахта-тўқимачилик кластерига қарашли мазкур ширкат йилига 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Япония, Туркия, Германия ва Швейцариядан ускуналар келтирилиб, калава ип ва матo ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 480 ки-

шининг бандлиги таъминланган, шундан 300 нафари ёшлар.

Бу биринчи босқич бўлиб, 2022 йилда иккинчи босқични амалга ошириш режалаштирилган. Унинг натижасида 1 минг 800 та янги иш ўрни яратиб, экспорт салоҳиятини 16 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари хом ашёни қайта ишлашни янада кенгайтириб, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг муҳими, бозор топиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилоятида 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 майда Фарғона вилоятида бўлганида тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Фарғона шаҳрида “Fergana stone paper” корхонаси бўлиб амалга ошди.

Хитойдан ноёб технология олиб келиниб, йилига 9 минг тонна қоғоз тайёрлаш қувватига эга бўлди. Президент ташрифи арафасида ушбу корхона синов режимида ишга туширилди.

Тошдан ясалган қоғоз бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, целлюлоза қоғоз тайёрлаш учун жуда кўп сув сарфланади, заҳарли

моддалар борлиги туфайли бу сув яроқсиз бўлиб қолади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса сув ишлатилмайди.

Иккинчидан, мустаҳкамлиги, чидамлилиги оддий қоғозга нисбатан юқори. Ўзидан сув ўтказмайди, доғ юқмайди. Шу боис тошдан олинган қоғоз матбаачиликда, қадоқ ва гулқоғоз ишлаб чиқаришда жуда қўлай. Ташқи бозорда харидортир.

Корхонада 60 киши иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари иш жараёнини, қоғоз сифатини кўрди.

— **Қоғоз тайёрлаш қадимий ҳунармандчилик йўналишларимиздан бири. Ўз даврида Самарқанд қоғози дунёга машҳур бўлган. Бу корхона — тарихий анъаналарнинг саноат даражасида қайта тикланиши, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Президентимиз Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОВО,
Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Акс садо

Тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар мuddати узайтирилмоқда

Президентимизнинг куни кеча имзоланган *Фармон билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.*

Унда юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган долзарб вазифалар билан бирга, эртаимиз эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳам белгилаб берилган.

Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини оширишга хизмат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш мақсадида туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ҳамда мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши мuddати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилмоқда.

Қолаверса, ички туризмни кенг оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун 2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар айрим харажатларнинг бир қисmini, жумладан, авиаташувчиларга — ички туризм йўналишидаги авиакатновларда чипта нархининг 25 фоизини, туроператор ва турагентларга — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи ҳамда меҳмонхона хизматлари нархининг 10 фоизини қайтариш механизми жорий қилинади.

Айтиш керакики, бу имконият саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида қандайдир бич қадам тунаб қилиш шарти билан тақдим этилади. Бундай имтиёзлар туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларда иш ўринларини барқарор сақлаб қолмиш ҳамда бандкорлик ҳолатлари олди оlinишида айни мuddадо-дир.

Шунингдек, Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечи-раётган ҳўхалик йорутувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра мавжуд қарзига пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби ҳам шу мuddатга узайтирилмоқда.

Ўз навбатида, ҳозирги пандемия даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини барқарор давом эттиришда имконият яратиш ва айланма маблағлари мавжудлигини таъминлаш мақсадида уларга 2020 йил 31 декабрь ҳолатида қолдиқда турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фoксиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имтиёзи мuddати 2021 йилнинг 31 декабрга қадар узайтирилмоқда.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТИ

Давлатимиз раҳбари “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Ҳўш, йил номига монанд Давлат дастуридан қандай устувор вазифалар ўрин олган? Жорий йилда соҳалар ва йўналишларда қандай ўзгаришлар бўлади? Шулар хусусида қўйи палата депутатлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муносабат

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:



— Ушбу ҳужжат юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобида давлатимизнинг фаровонлигини ошириш ва қуندалиги

ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Биргина пенсия ва нафақа тайинлаш масаласини оладиган бўлсак, фуқароларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида бир қатор тартиблар ўрнатилиши белгиланмоқда. Яъни жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажы тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажы шахс-

нинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади.

Шунингдек, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ҳамда нафақаларни текшириш ва улар бўйича аниқланган ортиқча тўловларни ундириш бекор қилинади. Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотида эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда мажбурий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ҳамда нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобил ваколатли орқали электрон шаклда расмийлаштирилади.

Дастурда белгиланган бу каби қўлайликлар аҳолининг ортиқча сарсон бўлишининг олдини олишга, давлатдан розилик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Гулрўх АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Давлат дастури режалаштирилаётган тадбирларни молиялаштиришга ажратилаётган маблағларнинг ўзи амалга оширилаётган ишлар қўлами



нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур Фармон билан инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурматни шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада оширишга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий рейтингига ва индексларига мавқеини яхшилашга хизмат қиладиган инсонпарварлик тамойили жорий қилинмоқда.

Жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторни ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани қиритиш ваколати жазони икдро этиш муассасаларида янги ташкил этилаётган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, 2021 йилда 6 тағача манзил-колонияларнинг қисқартирилиши ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чоралар тизимини яратиш йўналишида қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Ислом ХУШБАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Давлат дастурида мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, жамиятимиз раванкига доир қўллаб қувватлар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси, албатта, амалда ўз натижасини кўрсатади.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қўйи палатанинг парламент сўровига келган айрим жавоблар қўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Вояга етмаганларни меҳнатга мажбурлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда

Депутатлар мамлакатимизда вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш, уларни мажбурий меҳнатга, таъқиланган ёки гайриқонуний бirlашмалар фаолиятига жалб қилиш ҳамда улардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш ва бундай ҳаракатларни содир этганларнинг жавобгарлигини сўзсиз таъминлашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқилар.

Унга кўра, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳа юзасидан Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А. Холмаҳматов маъруза билан чиқиб, уни концептуал жиҳатдан асослаб берди.

Таъкидланганидек, Жиноят кодексида вояга етмаган шахснинг меҳнатга бйрон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлигини белгилувчи ўзгариш киритилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексида вояга етмаган шахсини Ўзбекистон Республикасида гайриқонуний жамоат бirlашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қат-

нашишга ундаш учун жиноий жавобгарлик, шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексида қўшимча қиритилиш, мазкур жиноятнинг тергов ички ишлар органига тегишли экани белгиланмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши мажбурий меҳнатга тўлиқ чек қўйилишига, вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини таъминлашга, бу борада Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари баҳарлилашиш ва ва шу тариқа давлатимизнинг турли баҳолаш индексларидаги рейтингни кўтарилишига хизмат қилади.

Капитал бозори: ривожланиш кўрсаткичлари ва амалий натижалар

Халқ вакиллари “Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш бўйича Ҳукумат томонидан белгиланган устувор йўналишларини амалга ошириш юзасидан олиб бoри-лаётган ишлар тўғрисида”ги қўйи палатанинг парламент сўровига бўй па-зир ўринбосари Жамшид Кўчоронинг жавобини атрафилича қўриб чиқилар.

Унда қайд этилишича, 2021 йил 1 январь ҳолатига жами 599 та акциядорлик жамиятининг номинал қиймат бўйича умумий микдори 149,5 трлн. сўмга тенг акциялари чиқарилган. Ушбу акциядорлик жамиятларидан 254 тақсид 127,6 трлн. сўмлик давлат улуши мавжуд.

Депутатлар ички ва ташқи инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ка-

питал бозорини замон талаблари даражасида ривожлантириш ҳамда унда профессионал иштирокчилар ва инвесторларнинг саломини ошириш бoра-сида рўёбга чиқарилаётган ишлар билан қизиқди.

Бош вазир ўринбосари жавобида таъкидланганича, бугунги кунда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятларига нисбатан баҳарлилаш мажбурий бўлган қўрсатмалар, судларга даъво аризалари ҳамда ваколатли давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қонунчи-ликда белгиланган тартибда тегишли таъсир чоралари қўрилмоқда. Мисол учун, 2020 йил якуни бўйича аниқланган қонун бузилишлари юзасидан инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятларига 201 та қўрсатма берилган, судга 144 та даъво аризаси қиритилган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 66 та ҳужжат юборилган. Инвесторлардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра, 20,3 млрд. сўм дивиденд қўринишдаги пул маблағлари ундириб берилиши таъминланган.

Капитал бозори фаолиятини ривожлантиришга хорижий андеррайтерлар иштироки ва уларнинг маҳаллий бoзoрдаги рақобат муҳитига ижобий таъсирини кенгайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар халқ вакиллари диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, хорижий банк-андеррайтерлар эмитентларга халқаро облигациялар муваффақиятли чиқарилишига ёрдам қилиши билан бирга, уларни салоҳиятли халқаро инвестор-

ларга танитишда муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, келажақда ички капитал бозорини хорижий инвесторлар учун маҳаллий облигацияларни сотиб олиш имконияти яратилганда уларнинг ички бозорга кенг жалб қилинишига замин яратади. Натижада ички капитал бозорини қўшимча молиявий ресурслар пайдо бўлади, маҳаллий облигацияларга бўлган талаб ошади ва рақобат муҳити шаклланади.

Маҳаллий банк ва корхоналарнинг жаҳон молия бозорларига мустақил чиқиши ҳам эътиборга молик жиҳатлардандир. Бу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши, шафoфлик ва ҳисобдорликнинг ошиши, халқаро инвесторлар билан ишлаш тажрибасининг ортishi, уларнинг давлат қарфалисиз ўз халқларини илғор халқаро амалиёт асосида бошқаришни тақозo этади ҳамда ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилишга асос бўлади.

Парламент сўровига жавобда қимматли қоғозларнинг ликвидлиги иккиламчи бозорининг шаклланмаганлиги сабабларига ҳам тўхталиб ўтилди. Қайд этилишича, улардан бири — иқтисодиётда йирик корхоналардаги давлат улуши юқори ва хусусий сектордаги ҳўхалик йорутувчи субъектларнинг қимматли қоғозлар бозорини маблағ жалб қилишга бўлган қизиқишининг пастлиғидир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, капитал бозори иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқиш, маҳаллий капитал бозори ва давлат облигацияларининг ликвидлиги иккиламчи бозорини ривожлантиришнинг қонуний асосларини тақомиллаштириш ҳамда давлат қимматли қоғозлари бозорини тараққий топтириш соҳасида амалга оширилган

ишлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Таъкидлаб ўтилганидек, Молия вазирлиги томонидан ўтган икки йил давомида давлат қимматли қоғозлар (ДҚҚ) бозорини ривожлантириш бўйича бир қатор амалий чоралар қўрилган. Натижада жойлаштирилган ДҚҚлар ҳажмининг қариб 10 барoбар ошишига эришилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида ilk бор суверен халқаро облигациялар жаҳон молия бозорларида миллий валютада жойлаштирилган. Эмиссия жараёнида бюрутмалар китобининг сўм транш учун эмиссия ҳажминга нисбатан 2,5 барoбар (яъни 5 трлн. сўм) кўпроқ талаб билан ёпилиши хорижий инвесторлар томонидан миллий валютадаги халқаро облигацияларга бўлган қизиқиш ва миллий валюта барқарорлигига ишонч ортиб бoраётганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан ДҚҚ бозори қатнашчиларининг асосий қарзи ва фoиз тўловлари урнатилган тартибда ўз вақтида тўланмоқда. Жумладан, 2019-2020 йилларда ДҚҚ бўйича 3217,1 млрд. сўмга тенг асосий қарз сўндирилган ва 547,1 млрд. сўмлик фoиз тўловлари ўз вақтида кечиктирилмасдан тўлаб берилган.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки қўмағи билан Капитал бозорини ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясининг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу лойиҳани вазирлик ва идоралар ҳулосалари, тақлифлари асосида ички капитал бозорини раванқ топтиришни назарда тутган ҳолда тақомиллаштириш чоралари қўрил

